




CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY

Journal homepage: <https://cajssh.centralasianstudies.org>



Кавийлар Сулоласи Ҳақидаги Хабарлар: Тарихий Жараён Ва Археологик Манбалар Ифодаланиши

Икромов Н. М.

ТерДУ “Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик” кафедраси доценти

Аннотация:

Мақолада Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон ҳудудларида шаклланган, энг қадимги давлатлардан бири бўлган Бақтрия Кавийлигига оид манбалар таҳлили, шунингдек, тадқиқотчи олимларнинг Бақтрия Кавийлигида хунармандчиликнинг турлари ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги илмий фикрлари хусусида сўз боради.

ARTICLE INFO

Article history:

Received 09-Sep-23

Received in revised form 15-Sep-23

Accepted 30-Oct-23

Available online 23-Nov-2023

Key word: Кавий, “Авеста”, “Шоҳнома”, Хилменд, Кўҳи Хваджа, Сам, Қрасп, Съяваршан, Кавий Виштаспа, Сурхдаг ёдгорлиги, “Тҳаманалои”, “тритон” одам.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёнинг жануби ва унга қўшни бўлган ҳудудларда бронза ва илк темир даврига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, илмий кашфиётлар қилинди. Ушбу тадқиқотлар натижасида бронза ва илк темир даври ўлкамизнинг жанубий ҳудудларида бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти масалалари, айниқса ушбу ҳудудларда илк деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши, урбанизация жараёнлари ва илк давлатчилик масалалари, маданий ва иқтисодий алоқалар, хунармандчиликнинг тараққий этиши муаммоларига кўплаб аниқликлар киритилди. Шунга қарамадан, Бақтрия кавийларининг илк давлатчилиги тарихи ва маданияти билан боғланувчи кўплаб илмий таҳлилларга муҳтож муаммолар, баҳс-мунозарали масалалар ҳамон ўз ечимини кутмоқда.

Демак, Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон ҳудудларида шаклланган, энг қадимги давлатлардан бири бўлган Кавийлар тўғрисидаги маълумотлар ёзма ҳолатда “Авеста”да ва халқ оғзаки ижоди

намуналари асосида ёзилган Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари орқали бизгача етиб келган.

“Авеста”нинг Чихрдоод наскида илк Кавийлар тўғрисида шундай маълумотлар бор:

“Ушудау тоғидан оқиб келган,

Хайтуманд дарёси сувидан пайдо бўлган,

Кансавья кўли бўйида жойлашган¹”.

Бу маълумотлар қадимги замонлардан иккига бўлинган бўлиб, биринчисида, Сам уруғидан бўлган Кавийларнинг мардлиги ва қаҳрамонликлари куйланган бўлса, иккинчисида Кавий Виштаспанинг диний қаҳрамонликларидир. Авесташунос олим Х. Ньоли ушбу маълумотлардаги тоғ ва сув ҳавзаларини қуйидагича локализация қилган: Кансавья кўлини Хамун, Хайтуманд дарёсини Хилменд, Ушудау тоғини Кўҳи Хваджа билан боғлайди ва ҳозирги Сеистон ҳудудига тўғри келади деб ҳисоблайди².

“Кавий” сўзининг маъноси ва унинг келиб чиқиши тарихи ниҳоятда мунозарали бўлиб, И.В. Пьянков бу сўзнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт эволюциясини қуйидагича талқин қилади: темирчи (сеҳргар) – илоҳий шоир (олим, устоз) – ҳукмдор³. Фикримизча олимнинг сўнги, яъни ҳукмдор талқини тарихий манбалар асосида келтирилган, аммо темирчи, сеҳргар, олим каби тахминлари исботланмаган ва олимнинг фикрлаш доирасидан келиб чиққан. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, И.В. Пьянков жуда ҳам ишонарли таклиф киритган. У таклиф этган Кавий сўзининг эволюцион тараққиёт йўлини бемалол қабул қилса бўлади, негаки, Кавийлар куйланаётган замон Ўрта Осиёда темирнинг пайдо бўлган даври ҳисобланади⁴. Ўша замонда темирдан фойдаланиш сир тутилиб, ундан буюмлар яшаш фақат “сеҳргар”ларнинг қўлидан келиши мумкин бўлган. Иккинчи таклифи, яъни илоҳий шоир, олим одам ёки устозларгина халқни ўз таълимоти асосида бошқариши ва ҳукмдор даражасига етишиши мумкин бўлган деб ҳисоблаймиз.

Демак, келтирилган маълумотларга қараганда илк Кавий титулида бўлган ҳукмдорлар Кансавья (Хамун), Хайтуманд (Хельманд) дарёси бўйларида мил. авв. IX-VIII асрларда яшаганлар⁵. Улар Сам уруғидан бўлиб, Крсасп уруғининг асосчиси бўлган. Манбаларда Сам уруғининг кейинги ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар учрамаса-да, уруғ бошлиғи Крсасп кейинги манбаларда Гершасп шаклида кенг тарқалган.

Сам уруғи вакиллари Кавий титулида ҳукмронлик қилиб, Хамун ва Хелманд кўллари ва дарёси бўйларида йирик давлат бирлашмасига асос солганлар. Уларнинг маданий таъсир доираси Ҳинд ва Туронгача кенгайган. Туронлик ҳукмдорлар билан улар гоҳида тинч ва осойишта ҳаёт кечиришган бўлсалар, гоҳида уруш кайфиятида бўлишган. Гоҳида Кавийларнинг ўртасида

¹ Авеста, Чихрдад. II.1.

² Gnoli G. Zoroaster in History (Biennial Yarshater Lecture Series, №2). Bibliotheca Persica Press. New York, 2000. Distributed by Eisenbrauns. Winona Lake, Indiana. XIV. P. 131.

³ Пьянков И.В. Государства древних Кави // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Тезисы докладов международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАЕН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.). - М.: 2001. - С. 79.

⁴ Сагдуллаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии //СА, 1982, С.229-234.

⁵ Пьянков И.В. Государства древних Кави... С.79.

ўзаро низолар пайдо бўлганлиги, бунинг натижасида Кавийларнинг бўлиниб кетиш воқеалари ҳам манбаларда сақланган. Сам уруғи ҳукмдорларидан бири бўлган Съяваршаннинг (Сиявуш) ўғли Хаусравнинг (Хишрав) Турон юрти - Қангга кетиб қолганлиги, у ерда ўз сулоласини, уруғ жамоасини ташкил этганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам сақланган⁶.

Фикримизча, Хишравнинг Турон юртига келиши тарихий ҳақиқатга жуда яқин, биринчидан Тошкент воҳасида мил. авв. IX-VIII асрдан бошлаб янги, археологик жиҳатдан Бурғулуқ маданияти (Бургулюкская культура) тарқалади. Ушбу маданиятнинг пайдо бўлиши муаммоси археологик жиҳатдан ҳал этилган масала эмас. Ўрта Осиёда шу типдаги маданиятларнинг пайдо бўлишини (Яз, Кучук, Тилла, Қизил) тадқиқотчилар асосан кўчманчиларнинг ўтроқлашиши, шимолий ёки жанубий минтақалардан халқларнинг кўчиб келиши билан боғлайдилар⁷. В.И. Сариянидининг фикри бўйича шу турдаги маданиятлар Эроннинг шимолидан, яъни Сеистондан Афғонистон орқали Сурхон, Зарафшон, Тошкент ва Фарғона водийсига тарқалган⁸. Бу ерда археологик ва ёзма манба бир бирига мос тушганлигини таъкидлаш лозимдир. Иккинчидан, Канка ёдгорлиги, шаҳрининг Тошкент воҳасида мавжудлиги ва бу шаҳарнинг воҳа маркази даражасигача етганлигидир. Тўғри, бу атама кўпроқ қанглилар билан боғланади, аммо биз муҳокама этаётган манбада "...Хишравнинг Турон юрти - Қангга кетиб қолганлиги" воқеаси қанглилардан бир неча юз йиллар олдин юз берган. Учинчидан, Тошкент воҳасида "Хишрав" тарихий топонимининг мавжудлиги ва бу этнотопонимнинг бугунги кунгача эъзозланиб, халқнинг ёдидан кўтарилмай келаётганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Кавийлар тўғрисидаги маълумотлар шунчалик зиддиятлики, ҳатто бир тадқиқотчининг икки мақоласидаги маълумотлар ҳам бир бирига тўғри келмайди. Худди шу И.В. Пьянковнинг иккинчи мақоласида Кавийларнинг ҳукмронлик даври илк ва сўнгги ёки биринчи ва иккинчи сулолалар даври каби хронологик даврларга бўлинган⁹.

Муаллифнинг ушбу мақоласида таъкидланишича, илк Кавийларнинг асосчиси Кавий Кавата бўлиб, унинг меросхўри Кавий Апиваху ҳисобланади. Унинг тўртта ўғли бўлиб, Кавийларнинг мулклари худуди шу тўртта ўғиллар ўртасида тақсимланган. Кавий Усан (Усадан) тўртта ўғил орасида ажралиб турган. Усаннинг набираси Хаусрав даврида Кавийлар янада ривожланишда бўлган. Илк Кавийлар Кансавья (Хамун), Хайтумант (Хельманд) дарёси бўйларида, яъни тарихий жиҳатдан Сеистонда - Дрангианада яшашган.

Хаусрав замонида ҳам мамлакат кичик Кавийликларга бўлиб бошқарилган, бошлиқлари ҳам Кавий титулида бўлишган. Шундай ҳукмдорлардан бири Кавий Виштаспа бўлиб, Бактрия

⁶ Пьянков И.В. Государства древних Кави... С.78.

⁷ Аскарлов А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа. // Этнография и археология Средней Азии. М., 1979.

⁸ Сарияниди В.И. Восточнохорасанская культура расписной керамики Афганистана. – КСИА, 1973, вып.136, с. 17-22.

⁹ Пьянков И.Н. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Материалы Международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАЕН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.), М., 2001. С. 334-338.

хукмдори бўлган. Унинг саройидан Заратуштранинг паноҳ топганлиги воқеаси ҳаммагамаълум.

И.В. Пьянковнинг фикрича шу даврдан бошлаб Кавийлар авлоди хукмронлигининг иккинчи даври бошланади. Шу даврдан бошлаб диний

қарашлар, таълимотлар жангги бошланган десак муболага бўлмайди. Кавий Виштаспанинг кўллаб-қувватлаши, ҳомийлиги натижасида Заратуштра таълимоти бутун Бактрия бўйлаб тарқала бошлайди. Шу даврдан бошлаб Қадимги Бактриянинг Қадимги Шарқ дунёсида ўз ўрнига эга бўла бошланганлиги кузатилади.

Шу ерда тарихий воқеалар хронологиясига ойдинлик киритиб кетсак мақсадга мувофиқ бўлади. Кавий Виштаспанинг хукмронлик даври ва пайғамбар Заратуштранинг яшаш даври VII асрнинг иккинчи ярми деб қаралса хронологик жиҳатдан тўғри бўлади ва ҳозирги замон шарқшунос ва қадимшунос олимлар ҳам шу даврни Виштаспа ва Заратуштра яшаган йиллар сифатида эътироф этишади. Маълумки, “Авеста” асосида Кавийлар тарихи билан биринчилардан бўлиб шуғулланган, шарқшунос олим А Кристенсен ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида илк Кавийларнинг яшаган даврини мил. авв. 900-775 йиллар билан белгилаган¹⁰. А. Кристенсен таклиф этган санани Виштаспа ва Заратуштранинг яшаган даври билан таққослайдиган бўлсак, олимнинг илк Кавийларнинг хукмронлик даврини тўғри белгилаганлиги аниқ бўлади ва биз ҳам шу санани қабул қилиш тўғри деб ҳисоблаймиз.

Энди илк Кавийларнинг хукмронлиги, мамлакатининг жойлашган ўрни Сеистон худудига мос келишини ҳам тарихий ва археологик манбалар асосида кузатсак. Г. Ньюлининг Кансавья кўлини Хамун, Хайтуманд дарёсини Хилменд, Ушудау тоғини Кўҳи Хваджа билан боғлаганлигига адабиётларда ҳеч ким қарши фикр билдиргани йўқ. Билъакс шу фикрга қўшимча илмий маълумотлар тўпланмоқда. Жумладан, Р. Гиршман Нади-али қишлоғи ёнидан топган, мил. авв. VIII асрга оид Сурхдаг ёдгорлигини И.М. Дьяконов Кавийлар мамлакатининг пойтахти бўлган деб ҳисоблайди¹¹. Манбалар бўйича илк Кавийларнинг юрти деб ҳисобланаётган Сеистон худудида, Аҳамонийлар империяси хукмронлиги ўрнатилганга қадар, юнон манбаларида эсланган “Thamanaloi” Таманийлар халқи яшаганлиги эсланади, аммо илк Кавийлар ҳақидаги малумотлар учрамайди.

Қадимги Бактрия ҳам илк Кавийларнинг меросхўрлари ҳисобланади.

Бактрияда маҳаллий Наугар уруғидан бўлган қабила хукмронлик қилган¹². Шу уруғ намояндalarидан бири бўлган Виштасп (Гоштасп, Гистасп) Кавий титулини қабул қилган ва Виштасп Бактрияда Кавийлар сулоласига ва генеалогиясига асос солганлиги барча тарихчиларга аён. Яна шу нарса аёнки, Виштаспанинг кўллаб-қувватлаши натижасида

¹⁰ Пьянков И.Н. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Материалы Международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАЕН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.), М., 2001. С. 334-338.

¹¹ Chirshman I. Fouilles de Nad-i Ali dans le Seistan Afghan.-Revue des arts asiatiques. 1939, p.20. Vol. XIII. №1; Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса) // История Иранского государства и культуры. М., 1971.

¹² Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции). ВДИ, №3, 1996. С. 9.

Заратуштрининг зардуштийлик таълимоти катта ҳудудларга тарқалди. Бу таълимот Бақтриянинг бутун Шарқий Эрон ва Ўрта Осиёда ҳукмрон давлат даражасига кўтарилишига хизмат қилган бўлса, зардуштийлик эса эслаб ўтилган ҳудудлардан ҳам кенгайиб, Кавказ ҳудудларигача ёйилиб жаҳон динлари қаторига кирди.

Демак, келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, Кавийларнинг илк Ватани Хамун қўли, Хилменд дарёси бўйлари, Кўҳи Хваджа тоғлари этакларини, Қадимги Бақтрия ҳудудларини ўз ичига олган ва бу давлат мил. авв. IX-VIII асрда ҳукм сурган.

Сурхондарё вилояти Узун тумани Жончекка қишлоғи ҳудудида жойлашган, собиқ Иттифоқ даврида тўлиқ бузиб ташланган, Аҳамонийлар ва антик даврларга оид бўлган ёдгорлик ўрнидан 2010 йилда ясси - думалоқ шаклдаги булла топилди. Ёдгорликнинг географик координатаси: 38°22'36.11"N, 68°5'41.97"E.

Булла яхши қорилган лойдан ясалган. Лойга ҳеч қандай аралашма кўшилмаган ва хумдонда яхши, бир текис пиширилганлиги сабабли ғишт рангига келиб қолган. Ёдгорлик устидан териб олинган сополлар мажмуаси ва булла Термиз археология музейига топширилди.

Мазкур булланинг диаметри 4-4,4 см бўлиб, юзаси текис, орқа томони қавариқ шаклда, қалинлиги 1,5 смгача боради. Текис юзага тасвир босма асбоб - тамға ёки муҳр ёрдамида, лойлик пайтида босилган. Тамға ёки муҳрнинг юзаси думалоқ шаклда бўлган, чеккаси бўйлаб чизик тортилган ва бу чизик буллага ҳам тушган. Доира шаклли чизикнинг қуйи қисмида “хонтахта” кўринишли “тахтиравоннинг” ён томонидан кўриниши икки оёғи билан ифодаланган. Оёқлар балюстрада шаклида, суянгичларига ҳам безаклар берилган. Тахтиравоннинг оёқлари оралиғида, ерда ётган ҳолатда, кўкнори ўсимлигининг умумий кўриниши, яъни пояси, барглари ва кўсак- гули туширилган.

Тахтиравоннинг устида илоҳиятга оид бўлган, ҳавода муаллақ учаётган учта одам тасвирининг уйғунлашган, сахналаштирилган ифодаси берилган. “Учаётган” дейишга сабаб, одамлар тахтиравоннинг устида муаллақ ҳолатда ифодаланганлиги бўлса, иккинчидан марказда йирик қилиб “тритон” одам сифатида ифодаланган одамнинг бошидан, бўйниларидадан учиб турган лента шаклидаги рўмолларнинг, “юбка” шаклли кийимининг хилпираб турган ҳолатда ифодаланиши фазода учаётган илоҳий одамларсахнасини берган.

Боши ёнбош томони билан чизилган “тритон” одам, чап қўли билан коса шаклидаги альтарни кўтариб турибди ва бутун вужуди билан альтарга термулиб турган ҳолатда ифодаланган. Иккинчи, ўнг қўли эса белига қўйилган. Ушбу инсоннинг кўкрак қисми гавда баробар олд томони билан ифодаланганлиги сахнадаги бош тасвирнинг гўёки тахтиравонда ўтирганлик маъносини ҳам англатган.

Илоҳий одамнинг белидан паст қисмининг тахтиравонни уст қисмида чизилиши, кийимнинг учаётган шаклда, тарам-тарам қилиб берилиши инсоннинг ҳукмдорлик белгисини ҳам англатади.

Бош сахнада ифодаланган одамнинг узун ва бақувват оёқлари чалкаштирилган ҳолатда ифодаланган ва бевосита учқур отнинг оёқларини эслатади. Бақтриялик мусаввир учаётган одамга “учқур от” оёқларини чизган ва тасвирланаётган одамга янада илоҳийлик маъносини бера олган.

Илоҳий ҳукмдорнинг чап томонида, яланғоч тарзда ифодаланган кичик одам тиззалаган, икки кўлини самога кўтариб, бутун вужуди билан ҳукмдор ва альтардан нажот кутиб, сажда қилиб турган ҳолатда ифодаланган.

Булладаги учинчи одам самода, илоҳий ҳукмдор одам тасвирининг боши ва оёқлари орасида чизилган. У ёнбоши билан, икки кўли пастда қилиб, чап кўлида камони билан, узун, халат кўринишли кийимда ифодаланган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, самода чизилган учинчи одамнинг узун халати орқали ушбу булланинг ясалган даврини аниқлаш мумкин. Негаки, у кийиниши ва кўриниши бўйича Персеполь шаҳри ҳаробаларида ифодаланган, қадимги форс ҳукмдорларига совғалар ва солиқлар тортиқ қилаётган бактрияликларнинг кийимларига айнан ўхшайди¹³.

Ёдгорлик устидан териб олинган, ҳар хил даврларга тегишли сополларнинг энг қадимгиси илк темир, археологик даврлаштириш бўйича Кучук III даврига тегишли¹⁴. Улар 5 дона бўлиб, учтаси цилиндр шаклли хум ёки хумчаларнинг, иккитаси цилиндроконик идиш бўлақларидан иборат.

Ушбу сополлар тўпламини ишонч билан Кучук III даврига тегишли дейишга сабаб, А.А. Асқаров ва Л.И. Альбаумнинг Кучуктепа¹⁵, Ш.Б. Шайдуллаевнинг Таллашконтёпа ёдгорликлари мисолида Бактриянинг илк темир даври сополлари мажмуасига кўра, биз топган цилиндр шаклли хум ва хумчаларда манжет шаклли гардиш ва унинг тагидан ўтувчи чуқурча кўринишли “безак”нинг бўлиши айнан Кучук III даврига хосдир¹⁶.

Агар буллани мазкур ёдгорликдан топилган Кучук III даври сополлари мажмуаси билан хронологик бир давр деб ҳисоблайдиган бўлсак бу тарихий жиҳатдан Қадимги Бактрия кавийлиги хукмронлиги даврига тўғри келади¹⁷. Кейинги давр тадқиқотлари асосида Қадимги Бактрия кавийларининг генеалогияси ва улар яшаган давр ҳам ойдинлашиб бормоқда¹⁸.

Кавий ҳукмдорлар дин раҳнамолари сифатида ҳам маълум. Жумладан, Бактрия кавийларидан бўлган Кавий Виштасп(а) Зардушт таълимотини қабул қилган биринчи ҳукмдор ва уни тарғиб қилишда, энг асосийси дунё динлари даражасига кўтарилишда хизматлари каттадир¹⁹.

Шундай экан Бактрия кавийларининг муҳр ва тамғаларда ифодаланиши табиий ҳолдир. Биз юқорида таъриф берган, Узун туманидан топилган буллада Бактрия кавийлари ифодаланган деган илмий фаразни ўртага ташламоқдамиз ва ўз фикримизни қуйидагича асосламоқчимиз. Биринчидан, Бактрия кавийлари диний ҳукмдорлар сифатида ҳам маълум²⁰. Тасвирда

¹³ Walser G. Persepolis. - Tubingen, 1980. - P. 231.

¹⁴ Асқаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент, 1979. 139 с.

¹⁵ Асқаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент, Фан, 1979. 139 с.

¹⁶ Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннегo железного века. – Ташкент, 2000. – 119 с.

¹⁷ Šajdullaev Š. Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien // Archäologische mitteilungen aus Iran und Turan. Band 34. Berlin, 2002. P. 243-342.

¹⁸ Авеста. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. Тошкент, 2001; Шайдуллаев Ш.Б., Икромов Н.М. Бактрия подшоҳлики ёки кавилик? // O'zbekiston tarixi. Тошкент, 2010. № 2. 3-11 бетлар.

¹⁹ Лившиц В.А. Общество Авесты // История таджикского народа. Т.1. М., 1963. С. 147.

²⁰ Пьянков И.В. Государства древних Кави // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Тезисы докладов международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАЕН, доктора исторических наук, профессора Б.А.Литвинского (Москва, 14-16

ифодаланган персонажларнинг фазода учган ҳолатда ифодаланиши бунга яққол мисол бўлади. Иккинчидан, Бактрия кавийлари дунёвий ҳукмдорлар тоифасига тааллуқли²¹. Буллада тахтнинг ифодаланиши бу фикрни тўлиқ асослайди.

Учинчидан, булланинг Қадимги Бактрия ҳудудидан топилиши ва ёдгорликнинг Кучук III даврига ҳам оидлиги бизга шундай фикрга келишга асос бўлди.

Тўртинчидан, кавийларнинг энг аввал дин пешволари ва кейин дунёвий ҳукмдорга айланиши ёзма манбаларда сақланиб қолган²², бу ҳолатнинг археологик манба – буллада ҳам ифодаланиши ёзма ва археологик манбаларнинг уйғунлашиши деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, буллада - фазода ифодаланган инсоннинг Персеполда чизилган бактрияликлар сингари кийимда ва алтар кўтариб турган ҳолатда ифодаланиши ушбу буллани Қадимги Бактрия маданияти даври билан даврлаштиришга асос бўлади ва унда ишонч билан кавийлари ифодаланган деган фикрни айтиш мумкин²³.

Олтинчидан, кавийларнинг исмига кўп ҳолларда “асп” сўзи кўшилиши характерлидир. Масалан, Кавий Арватасп, Кавий Виштасп. Демак, уларда от илоҳийлашган ҳайвон ҳисобланган. Маълумки, от энг “учқур” ҳайвондир. Узундан топилган буллада, илоҳий, фазода учаётган марказий персонажда ифодаланган одам оёқларининг от оёқлари сингари бақувват қилиб чизилиши бежиз эмаслигини англатади.

Эътибор бериш лозимки, Қадимги Бактрия маданиятига оид Кучуктепа, Пишактепа, Таллашқон, Бандихон ёдгорликлари ўрганилган. Аммо, эслаб ўтилган ёдгорликларнинг бирортасидан муҳр ёки булла топилмаган. Нега энди маданий қатлами номаълум бўлган ёдгорликдан топилган буллани, тўртта синиқ сопол парчаси асосида Қадимги Бактрия маданиятига, яъни кавийларга тегишли деган хулосага келинди? Бу саволга жавоб шундан иборатки, Қадимги Бактрия маданиятига тенгдош бўлган, Эрон ҳудудида жойлашган ёдгорликлардан, жумладан Суза, Персеполь каби пойтахт шаҳар харобаларидан, қишлоқ типдаги ёдгорликлардан ҳам кўплаб буллалар ва муҳрлар ўрганилган. Ундан ташқари Осурия подшолиги ёдгорликларидан ҳам муҳрлар топилган ва илмий муомалага киритилган.

Бактрияшунос, қадимги санъат турлари бўйича ажойиб ғоялар муаллифи А.П. Франкфор Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган конференциясида Сўғднинг Аҳамонийлар ва Аҳамонийлар давригача бўлган глиптикасига бағишланган маърузасида Ўрта Осиё глиптикаси маҳаллий анъаналар асосида ривожланганлигини таъкидлаб ўтган эди²⁴. Демак,

октябр 1998 г.). - М.: 2001. - С. 79.

²¹ Лившиц В.А. Общество Авесты // История таджикского народа. Т.1. М., 1963. С. 147.

²² Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции) // ВДИ, №3, 1996. С. 9; Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент, 1996.

²³ Gerold Walser. Persepolis. - Tubingen, 1980. - P. 231.

²⁴ Francfort H.-P. Trois sceaux de Samarkand «Achemenide» et «Pre-achemenide» et la glyptique de l'Asie Centrale a l'age du fer // The role of Samarkand in the history of world civilization (Materials of the International Scientific Symposium devoted to the 2750th Anniversary of the City of Samarkand). Tashkent-Samarkand, 2007. - P. 42-48.

Қадимги Бактрия маданияти ёдгорликларидан муҳр ва буллаларнинг топилиши узоқ йиллардан буён қутилаётган археологик артефактлардан биридир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига бағишланган фундаментал тадқиқотларда Кавийлар сулоласи ҳақидаги маълумотлар илмий муомалага деярли киритилмаган. Мавжуд ёзма манбаларни археологик тадқиқотлар натижалари билан илмий-қийосий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб Ўрта Осиё жанубида мураккаб тарихий-маданий жараёнлар бўлиб ўтади. Мил. авв. IX-VIII асрларда аҳоли жойлашувининг тарихий-географик чегаралари аниқроқ шакллана бошлайди ҳамда жанубдаги айрим ҳудудларда сиёсий бирлашма ёки уюшмалар пайдо бўлади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган бундай уюшмалардан бири шубҳасиз, қадимги Бактрия кавийлиги эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авеста, Чихрдад. II.1.
2. Авеста. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. Тошкент, 2001; Шайдуллаев Ш.Б, Икромов Н.М. Бактрия подшоҳлики ёки кавийлик? // Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 2010. № 2. 3-11 бетлар.
3. Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент, Фан, 1979. 139 с.
4. Аскарлов А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа. // Этнография и археология Средней Азии. М., 1979.
5. Лившиц В.А. Общество Авесты // История таджикского народа. Т.1. М., 1963. С. 147.
6. Пьянков И.В. Государства древних Кави // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Тезисы докладов международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.). - М.: 2001. - С. 79.
7. Пьянков И.Н. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Материалы Международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.), М., 2001. С. 334-338.
8. Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции). ВДИ, №3, 1996. С. 9
9. Сагдуллаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии //СА, 1982, С.229-234.
10. Сарияниди В.И. Восточнохорасанская культура расписной керамики Афганистана. – КСИА, 1973, вып.136, с. 17-22.
11. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000. – 119 с.
12. Chirshman I. Fouilles de Nad-i Ali dans le Seistan Afghan.-Revue des arts asiatiques. 1939, p.20.

- Vol. XIII. №1; Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса) // История Иранского государства и культуры. М., 1971.
13. Francfort H.-P. Trois sceaux de Samarkand «Achemenide» et «Pre-achemenide» et la glyptique de l'Asie Centrale a l'age du fer // The role of Samarkand in the history of world civilization (Materials of the International Scientific Symposium devoted to the 2750th Anniversary of the City of Samarkand). Tashkent–Samarkand, 2007. - P. 42-48.
 14. Gerold Walser. Persepolis. - Tubingen, 1980. - P. 231.
 15. Gnoli G. Zoroaster in History (Biennial Yarshater Lecture Series, №2). Bibliotheca Persica Press. New York, 2000. Distributed by Eisenbrauns. Winona Lake, Indiana. XIV. P. 131.
 16. Šajdullaev Š. Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien // Archäologische mitteilungen aus Iran und Turan. Band 34. Berlin, 2002. P. 243-342.
 17. Walser G. Persepolis. - Tubingen, 1980. - P. 231.